

Савол. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 1 декабрда қабул қилган ПФ-5270-сон фармони асосида белгиланган вазифалар қаторида олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишда ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича қандай вазифалар белгиланди?

Жавоб. Ўзбекистон Республикасининг Президенти 2017 йил 1 декабрда “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5270-сонли фармонни қабул қилди. Фармонда **Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни** лойиҳасини ишлаб чиқиш, БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга тайёргарлик бўйича амалий чоралар кўриш вазифалари белгиланди. Фармон асосида *Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириши ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириши бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури* тасдиқланди. 2018 йил 1 мартдан **ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилмаган шахар йўловчи транспорти воситаларини сотиб олиш тақиқланадиган бўлди.** Автомототранспорт воситалари ҳайдовчилари – ногиронлиги бўлган шахсларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этилади. Маҳаллий ишлаб чиқарилган енгил автомобилларни ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун махсус мосламалар билан қайта жиҳозлаш таъминади.

2018 йил 1 январдан бошлаб фаолият кўрсатиш тури ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар **I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорлар** учун бир ойда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, **якка тартибдаги тадбиркор томонидан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобидан ишга ёлланган ҳар бир ишчи учун** – бир ойда энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрнатилади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида **Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** ташкил этилади. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини бузганлик учун қўлланиладиган жарималардан тушган маблағларнинг бир қисми ана шу жамғармага тушади.

2018 йил 1 июндан бошлаб **ногиронлиги бўлган шахсларнинг ягона электрон реестридан фойдаланиш** амалиётга татбиқ этилади.

Ногиронлар учун белгиланган бошқа бир қатор имтиёзлар орасида **2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун кўшимча равишда икки фоизли квота ажратилиши** тартиби жорий этилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2018 йилнинг 1 апрелига қадар **олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни квота асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом** лойиҳаси тайёрланади.

